

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АХМЕДОВА БАХТИГУЛ ТОШПУЛАТОВНА

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА ЭКТОПИК
ХОМИЛАДОРЛИКНИНГ ЭХОДОПЛЕРОГРАФИК
ДИАГНОСТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.19 – Клиник радиология
14.00.01 - Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ахмедова Бахтигул Тошпулатовна

Репродуктив ёшдаги аёлларда

эктопик хомиладорликнинг эходопплерографик

диагностикасини такомиллаштириш 3

Ахмедова Бахтигул Ташпулатовна

Усовершенствование эходопплерографической

диагностики внематочной беременности

у женщин репродуктивного возраста 25

Ahmedova Baxtigul Tashpulatovna

Improving exodoplerographic

diagnostics of ectopic pregnancy

in women of reproductive age 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АХМЕДОВА БАХТИГУЛ ТОШПУЛАТОВНА

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА ЭКТОПИК
ХОМИЛАДОРЛИКНИНГ ЭХОДОППЛЕРОГРАФИК
ДИАГНОСТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.19 – Клиник радиология
14.00.01 - Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib2828 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Ахмаджон Ҳошимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Фозилов Ақром Акмалович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Қурбанов Джаҳонгир Джамалович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 246-05-13; факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи Бир марталик
Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи Бир марталик
Илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи Бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Эktopик ҳомиладорликнинг (ЭХ) сўнгги йилларда барқарор ўсиши кузатилмоқда. ЭХни стандарт гинекологик тадқиқот усулларида ташқари эхографик белгиларини қиёсий баҳолашнинг кулранг масштаби эхография, спектрал доплерография ва эластографияси ёрдамида амалга оширилган. Ўтказилган тадқиқотлар, «...бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг эхографик белгилари ва асоратларини қиёсий баҳолашга қаратилган бўлиб, ectopик ҳомиладорлик белгиларини асослашда ультратовуш текшируви алгоритми ва ультратовушнинг терапевтик пункция самарадорлигини оширишдаги ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эга...»¹. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда касалликнинг дастлабки босқичларини ташхислаш учун уни ўз вақтида ташхислаш, даволаш ва кейинги ривожланишининг олдини олишга ёрдам берадиган етарли даражадаги ноинвазив информатив усуллар мавжуд эмас. Тос аъзоларининг ультратовуш текшируви ectopик ҳомиладорлик ташхисини қўйишда энг кўп қўлланиладиган ноинвазив текширув усули ҳисобланади. Аммо, айниқса, шошилишч тиббий ёрдам кўрсатишда ЭХнинг эходоплерографик белгиларининг информативлиги бўйича ҳалигача ягона консенсус мавжуд эмаслиги ва касалликни самарали ташхислаш ва даволаш замонавий гинекологиянинг долзарб муамоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда репродуктив ёшдаги аёлларда ectopик ҳомиладорликнинг эходоплерографик диагностикасини такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, репродуктив ёшдаги аёлларда ectopик ҳомиладорликнинг ривожланиши ва кечишининг хавфли омилларини ретроспектив тартибда, ectopик ҳомиладор аёлларда 2D ва 3D тасвирларда бачадон, эндометрий, фаллоп найчаларининг эхографик кўринишини, бачадон ва тухумдонлар томирларининг доплерографик ва доплерометрик параметрларини баҳолаш ва шошилишч тиббий ёрдамда ectopик ҳомиладорлиги бўлган репродуктив ёшдаги аёлларда далилларга асосланган тиббиёт мезонлари бўйича эходоплерографик ташхисот усулларида самарадорлиги, ҳамда текшириладиган аёлларни оқилона назорат қилиш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида органларни сақлаш операциялари ўтказилиши каби натижаларга эришиш учун ягона алгоритмни ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, аёллардаги турли генитал касалликларнинг асорати натижасида юзага келган онкологик касалликларни самарали ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-

¹ Буланов Н.М. К вопросу о возможностях ультразвуковой диагностики при яичниковой беременности // Ультразвуковая и функциональная диагностика. -2016.-№2-С.28-42

санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш....»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, репродуктив ёшдаги аёлларда эктопик ҳомиладорликнинг эходопплерографик ташхисотини тиббиётда амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича 2014-2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматни янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни тако миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бу муаммо билан узоқ ва яқин хорижда жойлашган кўплаб илмий мактаблар шуғулланмоқда, айниқса, ҳомиладорликнинг ультратовуш ташхисоти юқори даражада бўлган мамлакатларда кўплаб илмий мақолалар нашр этилган. Европа Иттифоқи ва Осиё давлатларида кўплаб тадқиқотлар ўтказилган (Dr.Rifat Taner, 2022). ЭХнинг клиник кечиши гетеротопик ҳомиладорлик ривожланишининг хавфли омили сифатида ЭКУ (экстракорпорал уруғланиш) дан кейин юзага келадиган асоратлар ўрганилган (Lv S, Wang Z, Liu H, Peng J, Song J, Liu W, Yan L 2020). ЭХнинг эрта ташхисотида ультратовуш ташхисоти билан бирга МРТнинг (магниторезонанс томография) аҳамияти очиб берилган (Рубина Е.В.2019; Ишутина Т.М., 2022). ЭХнинг экстратубулляр шакллариининг ташхислаш ва даволаш турларининг замонавий усуллари ифодаланган, аммо 3D ва доплерографиянинг аҳамияти тўлиқ очилмаган. Замонавий ультратовуш ускуналари ҳомиладорликнинг 2-3 ҳафталигида ҳомила тухумининг бачадон бўшлиғида ва унинг ташқарисида локализациясини баҳолаш имконини беради. ЭХни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида трансвагинал ультратовуш текшируви истикболлари алоҳида аҳамиятга эга. ЭХнинг ўзига хос топографик жойлашуви, бачадон ортиқлари атрофида

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

сурункали яллиғланиш жараёнининг ва битишмаларнинг тез-тез учраши туфайли (Абашидзе А.А., 2014) бугунги кунга келиб, касалликнинг дифференциал ташхисотида бирмунча қийинчиликлар туғдиради. Шу муносабат билан, хомиланинг локализацияси ва ҳажмини баҳолаш имконияти бўлмайди. Айниқса эктопик ҳомиладорликни эрта босқичларда аниқлаш ва унинг дифференциал ташхисоти бир мунча қийинчилик туғдиради. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда касалликни ўз вақтида аниқлаш, даволаш ва кейинги ривожланишининг олдини олишга қаратилган, уни дастлабки босқичларида ташхислаш учун етарли даражада инфор­мацион ноинвазив усуллар мавжуд эмас. Тос аъзоларининг ультратовуш текшируви эктопик ҳомиладорлик ташхиси учун энг кўп қўлланиладиган ноинвазив текшириш усули ҳисобланади, шу билан бирга, ушбу патологияни ташхислашда, айниқса шошили­нч тиббий ёрдам кўрсатиш шароитида эхо­доплерографик белгиларининг информативлиги бўйича ҳали ҳам ягона тизим мавжуд эмас.

Мамлакатимизда фертил ёшдаги аёллар орасида учрай­диган гинекологик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган (Нажмутдинова Д.Қ., 2022, Бабажанова Г.С., 2019; Аюпова Ф.М., 2000; Қурбонов Ж.Ж., 2022) бироқ, репродуктив ёшдаги аёлларда бачадондан ташқари ҳомиладор­ликнинг эхо­доплерографик ташхисоти такомиллаштирилмаган.

Ушбу тадқиқот долзарб бўлиб қолмоқда, чунки касал­ликнинг асоратлари частотаси юқори бўлиб, шошили­нч диагностика, комплексли даволаш ва профилактика чораларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Шундай қилиб, юқорида ай­тилганларни умумлаштириб, хулоса қилишимиз мумкин­ки, ҳозирги кунга қадар ҳайз кўришнинг бузилиши негизида кеча­диган бачадондан ташқари ҳомиладо­ликни ташхислашнинг ноинвазив усулларининг тўғрилигини исботловчи ягона консенсус мавжуд эмас. Ўрганилаётган патологиянинг диагностикасида эхо­доплерографиянинг аниқлиги, ўзига хослиги, сезгирлиги масалалари тўлиқ очилмаганлиги ушбу диссертация тадқиқини долзарблиги ва заруриятини тақоза қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170929602 «Акушер­лик ва гинекологик патологияси бўлган аёлларда ташхислаш, даволаш, башорталаш, профилактика бўйича замонавий технологиялар» (2018-2022) мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Репродуктив ёшдаги аёлларда тос аъзолари томирларининг қон оқимидаги эхо­доплерографик ўзгаришларни баҳолаш орқали эктопик ҳомиладор­ликнинг эрта ташхислашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

репродуктив ёшдаги аёлларда бачадондан ташқари ҳомиладо­ликнинг ривожланиши ва кечишининг хавфли омилларини ретроспектив тарзда баҳолаш;

аёлларда бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг 2D ва 3D тасвирлари, бачадон, эндометрий, фаллоп найчаларининг эхографик кўринишини баҳолаш;

бачадон ва тухумдонлар томирларининг доплерографик ва доплеро метрик параметрларини баҳолаш ва шошилиш тиббий ёрдамда эктопик ҳомиладорлиги бўлган репродуктив ёшдаги аёллар учун эходопплерографик ташхислаш мезонларни ишлаб чиқиш;

далилларга асосланган тиббиёт мезонлари (ултратовуш ташхисотининг ўзига хослиги, сезгирлиги, аниқлиги) бўйича эходопплерографик ташхислаш усулларининг самарадорлигини баҳолаш;

текширилаётган аёлларни оқилона назорат қилиш, уларнинг ҳаёт сифа тини яхшилаш мақсадида органларни сақлаш операциялари ўтказилиши каби натижаларга эришиш учун ягона алгоритмни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2019 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонаси гинекология бўлими ва Бухоро шаҳар касалхонасининг шошилиш тиббий ёрдам бўлими негизида репродуктив ёшдаги аёлларда бачадондан ташқари ҳомиладорлик билан хасталанган 76 нафар аёллар ретроспектив таҳлили материаллари ҳамда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий-амалий марказининг Бухоро филиали ва Бухоро шаҳар шифохонаси шошилиш тиббий ёрдам бўлимига 2020-2022-йилларда ётқизилган репродуктив ёшдаги 50 нафар аёллар проспектив тарзда текширилган. Назорат гуруҳини эса репродуктив ёшдаги 30 нафар соғлом аёл ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида репродуктив ёшдаги аёлларда эктопик ҳомиладорликнинг ташхисотини 2D ва 3D режимдаги эхографик, уч ўлчовли тасвирни олиш имкониятига эга рангли доплер CD ва пульс-тўлқинли доплер PWD (Pulsed Wave Doppler), энергетик доплер PDI (Power Doppler Imaging), компрессион эластография (real-time elastography-RTE) ультратовуш текширувлари кўп частотали трансабдоминал (3,5-5 МГц) ва трансвагинал (7,0-10 МГц) датчиклар билан жиҳозланган Резона 7 Миндрей (Хитой) аппаратида ва қондаги β -НСГнинг суббирлигини иммунофермент усулда ташхислаш, бачадон ва тухумдонларнинг 2D ва 3D тасвирлари, бачадон, ёйсимон, радиал, спирал артериялар, шунингдек тухумдон артерияларининг эходопплерографик ва доплеро метрик ҳолати, клиник ҳамда гормонал текширув натижаларининг материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Репродуктив ёшдаги аёлларда эктопик ҳомиладорликнинг ташхисотини баҳолашда клиник, инструментал, иммунофермент, лаборатор ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эктопик ҳомиладорлик тубар шакли турларининг (ривожланган, ўсмай қолган, тубар аборт ва гематосальпинкснинг) 2D ва 3D тартибидаги эхографик, эходопплерографик ва эластографик тасвирлари ва дифференциал ташхислаш мезонлари асосланган;

ҳар бир усулнинг сезгирлиги ва ўзига хослиги ROC – эгри чизиғида таҳлиллари доплер ультратовуш текширувининг ташхисий самарадорлиги AUC- 0,79 ни, 3D кўрсаткичлари эса 0,83 ни ташкил қилганлиги эктопик

ҳомиладорликни ташхислашда доплерография ва 3D режимнинг кўрсаткичлари юқорилиги исботланган;

эктопик ҳомиладорлик туфайли қон йўқотган аёлларда органи сақлаш операциясидан кейинги 3 ва 4 кунларда динамикада бачадон перфузиясининг тикланиш даражасини баҳолашда ультратовушли доплерометриянинг аҳамияти исботланган;

3D режимда эндометрий ҳажмини ўлчаш, энергетик PDI ва импульс тўлқинли PWD доплерда эндометрий васкуляризациясини баҳолаш орқали ЭПИ(%), эктопик ҳомиладорликни кечишини башоратлашда эндометрий перфузион индекси аҳамияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

эктопик ҳомиладорлик билан хасталанган репродуктив ёшдаги аёлларни текшириш ва касалликни эрта ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган;

операциясидан кейинги 3 ва 4 кунларда динамикада бачадон перфузиясининг тикланиш даражасини баҳолаш натижасида аёлларнинг соғлигини тиклаш бўйича реабилитацион чора-тадбирларни ўз вақтида қўллаш ва узоқ муддатларда юзага келадиган (иккиламчи бепуштлик, ҳайз циклининг бузилиши, ЭҲнинг қайта такрорланиши) асоратларнинг олдини олиш имкониятлар яратилган;

эходопплерометрик, эластографик тадқиқотларни баҳолаш жараёнида репродуктив ёшдаги аёлларда эктопик ҳомиладорликнинг, диагностик ва прогностик мезонлари ишлаб чиқилган;

жорий қилинган ташхисот усуллари эктопик ҳомиладорликнинг асоратларини камайтириши, уларнинг тўлиқ ҳаётга қайтиши, жумладан репродуктив саломатликнинг тикланишига ёрдам бериши баҳоланган;

эндометрийнинг перфузион индекси бачадоннинг эндометрий билан боғлиқ бўлган турли касалликларида (эндометрийдаги гиперпластик ва гипопластик жараёнларни баҳолашда), эндометрий билан боғлиқ бўлган бепуштлик жараёнларини даволашда экстракорпорал уруғланиш программасида қўлланилиши тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир бирини тўлдирувчи клиник, инструментал, иммунофермент, лаборатор ва статистик тадқиқот усулларида репродуктив ёшдаги аёлларда эктопик ҳомиладорликнинг эходопплерографик ташхисотини такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, шошилишчи тиббий ёрдам кўрсатишда репродуктив ёшдаги аёлларда эктопик ҳомиладорликни ташхислаш ва башоратлаш усуллари такомиллаштириш, бачадондан ташқари ҳомиладорлик билан хасталанган репродуктив ёшдаги аёлларда эхография, эходопплерография ва доплерометриянинг ташхисоти ва прогностик

аҳамиятини баҳолашнинг назарий методологияси яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, эндометрий спирал артерияларининг перфузион индекси бўйича бачадондан ташқари ҳомиладорликни индивидуал башоратлаш натижаларини амалга ошириш, ташхисотнинг спецификлиги, касаллик ва унинг асоратларини даволашни мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш, ЭҲ билан хасталанган репродуктив ёшдаги аёлларнинг операциядан кейинги ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Тошкент тиббиёт академияси эксперт кенгашининг 2023 йилдаги 20 июндаги 6-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Тошкент тиббиёт академиясининг 2023 йил 16 июндаги 05/5421-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

эктопик ҳомиладорлик тубар шакли турларининг (ривожланган, ўсмай қолган, тубар аборт ва гематосальпинкснинг) 2D ва 3D тартбидаги эхографик, эходопплерографик ва эластографик тасвирлари ва дифференциал ташхислаш мезонлари асосланганлиги исботланганлиги Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича (13.06.2023 й.; №31) ҳамда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонасининг гинекология бўлими бўйича (15.06.2023 й.; №56) буйруқ билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Бачадондан ташқари ҳомиладорлик билан хасталанган репродуктив ёшдаги аёлларни текшириш алгоритми ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу алгоритмнинг асосий бўғинларига: клиник тадқиқотга қўшимча равишда юқори частотали трансвагинал эхографияни доплерография билан бирга қўллаш натижасида кўп ўлчовли сканерлаш усуллари (3D), компрессион эластографияни қўллаш, қон зардобиди ХГЧ нинг β -суббирлигини микдорий баҳолаш ва ташхисотий видеолапароскопия билан ташхислаш самарадорлигини ошириш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги юқори аниқликдаги ультратовушли сканерлардан фойдаланиш трансвагинал эхографияни магниторезонанс томография (МРТ) билан таққосланадиган даражага кўтариши, ультратовуш диагностикасининг профессионал муҳитида «юқори аниқликдаги ультратовуш» ташхисотининг арзон ва қулайлиги туфайли акушер-гинекологнинг кундалик амалиётида қўлланилиши УТТнинг бундай имкониятлари МРТнинг иқтисодий қийматини «четга суриб қўйиши» натижасида ультратовуш текширувидан фойдаланиш клиник ташхисни энг қисқа вақт ичида аниқлаштиришга ёрдамлашиши, МРТ каби бошқа текшириш услубларидан фойдаланганда 1 нафар беморга бюджетдан ташқари 190 000 сўмга ортиқча маблағ сарфланади, ташхислаш мақсадида лапароскопиядан фойдаланганда, бюджет маблағларидан 1421269,562 сўм ортиқча маблағ сарфланади. Ультратовуш текширувидан фойдаланиш бюджетдан ташқари 190 000 сўм ва бюджет маблағларини 1421269,562 сўмга иқтисод қилиш имкониятини беради. **Хулоса:** юқори аниқликдаги ТВУТТ «шошилиш» беморларни тадқиқотга махсус тайёрлаш талаб қилмасдан, уларга объектив текширувни тўғридан-тўғри қўллаш

имконини бериши ҳамда ультратовуш текширувидан фойдаланиш клиник таъхисни энг қисқа вақт ичида аниқлаштиришга ёрдам бериши, МРТ каби бошқа текшириш услубларидан фойдаланганда 1 нафар беморга бюджетдан ташқари 190 000 сўмга ортиқча маблағ сарфланиши, таъхислаш мақсадида лапароскопиядан фойдаланганда, бюджет маблағларидан 1421269,562 сўм ортиқча маблағ, ультратовуш текширувидан фойдаланиш бюджетдан ташқари 190000 сўм ва бюджет маблағларини 1421 269,562 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

ҳар бир усулнинг сезгирлиги ва ўзига хослиги ROC – эгри чизигида таҳлиллари доплер ультратовуш текширувининг таъхисий самарадорлиги AUC- 0,79 ни, 3D кўрсаткичлари эса 0,83 ни таъхил қилганлиги эктопик ҳомиладорликни таъхислашда доплерография ва 3D режимнинг кўрсаткичлари юқорилиги исботланганлиги Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича (13.06.2023 й.; №31) ҳамда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонасининг гинекология бўлими бўйича (15.06.2023 й.; №56) буйруқ билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: бачадондан ташқари ҳомиладорлик гумон қилинган беморларни таъхислашда комплекс ёндашувни жорий этиш, гинекологик асоратларнинг (бачадон найчаларининг ёрилиши, гемиперитонеумнинг ривожланиши, геморрагик шок ва бошқалар) камайишига олиб келиши, лапароскопик операциялар сонини ошириб, лапаротомия операциясини қўллаш даражасини камайитириш, операция жараёнида аъзоларни сақлаш истиқболларини, яъни туботомия операциясини ошириб, тубэктомиянинг олдини олиши, аёлларнинг репродуктив фаолиятини тиклаб, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: бачадондан ташқари ҳомиладорликка гумон қилинган беморларни таъхислашда тавсия этилган услуб таъхислаш, даволаш ва профилактикани такомиллаштириш орқали, беморларда касалликни эрта аниқлаш, лапароскопик операцияларни қўллаш орқали операция вақтида йўқотиладиган қон миқдорининг камайишига эришилади, операция жараёнининг давомийлиги қисқарди, даволаш самарадорлигини ошириб, шифохонадаги ўрин кунлари вақтини 1-2 кунга қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилди. **Хулоса:** ҳар бир усулнинг сезгирлиги ва ўзига хослиги ROC–эгри чизигида таҳлиллари доплер ультратовуш текширувининг таъхисий самарадорлиги AUC-0,79ни, 3D кўрсаткичлари эса 0,83ни таъхил қилганлиги эктопик ҳомиладорликни таъхислашда доплерография ва 3D режимнинг кўрсаткичлари юқорилиги натижасида қорин бўшлиғига қон кетиши ва айниқса, бачадондан ташқари ҳомиладорликка шубҳа қилинганида жуда муҳим бўлиб, жаррохликнинг лапаротомик тури қўлланилади, бунда 1 нафар беморга бюджет маблағларидан 2136602,215 сўм сарфланади. Бу касалликни комплексли ТВ УТТ ёрдамида эрта босқичларда аниқлаш натижасида, жаррохлик амалиётининг лапароскопик тури танланиши билан 1 нафар беморга бюджет маблағларидан 1421269,562 сўм сарфланади. Касалликни замонавий услублар орқали эрта таъхислаш ва даволаш натижасида бир нафар бемордан 715332,653 сўм бюджет маблағлари

иктисод қилиш имконини беради;

эктопик ҳомиладорлик туфайли қон йўқотган аёлларда органни сақлаш операциясидан кейинги 3 ва 4 кунларда динамикада бачадон перфузиясининг тикланиш даражасини баҳолашда ультратовушли доплерометриянинг аҳамияти исботланганлиги Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича (13.06.2023 й.; №31) ҳамда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонасининг гинекология бўлими бўйича (15.06.2023 й.; №56) буйруқ билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Хасталикни ташхислашнинг янги усуллари танлаш уни самарали даволаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Комплексли ТВУТТнинг қўлланилиши хасталикни эрта ташхислашда ва ундан юзага келадиган асоратларнинг олдини олишга ёрдам бериши, ушбу патологияга эга аёлларда замонавий юқори технологияли операцияларни (лапароскопия) қўллаш даражасини оширади. Бундай операциялар шифохонада аёлларни даволашда ўтказиладиган манипуляция харажатларини ва давлат томонидан ажратилган харажатларни минималлаштиришни таъминлайди. **Хулоса:** эктопик ҳомиладорлик туфайли қон йўқотган аёлларда органни сақлаш операциясидан кейинги 3 ва 4 кунларда динамикада бачадон перфузиясининг тикланиш даражасини баҳолашда ультратовушли доплерометриянинг аҳамияти баҳолашда БТХ шубҳа қилинаётган аёлларни бошқариш учун ишлаб чиқилган алгоритм асоратларни 78% (ретроспектив маълумотлар асосида)дан 43% гача камайтириш имконини бериши, касалликни эрта ташхислаш 98% ни ташкил қилиб, бу ретроспектив таҳлил маълумотларидан (81,8%) сезиларли даражада ортиши ҳамда асоратларнинг камайиши беморнинг шифохонада ётиши кунларини 4-5 кундан (467200 сўм)дан 2-3 кунгача (233 600) сўмга камайтиради, яъни бюджет маблағларини 233600 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

3D режимда эндометрий ҳажмини ўлчаш, энергетик PDI ва импульс тўлқинли PWD доплерда эндометрий васкуляризациясини баҳолаш орқали ЭПИ(%), эктопик ҳомиладорликни кечишини башоратлашда эндометрий перфузион индекси аҳамияти Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича (13.06.2023 й.; №31) ҳамда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонасининг гинекология бўлими бўйича (15.06.2023 й.; №56) буйруқ билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: эндометрий артерияларининг перфузион индекси бўйича бачадондан ташқари ҳомиладорликни индивидуал башоратлаш натижаларини амалга ошириш, ташхисотининг спецификлиги, касаллик ва унинг асоратларини даволашни мониторинг қилиш самарадорлигини оширади, БТХ билан хасталанган репродуктив ёшдаги аёлларда операциядан кейинги реабилитацион чораларни ўз вақтида қўллаш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича (13.06.2023 й.; №31) ҳамда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонасининг гинекология бўлими бўйича (15.06.2023 й.; №56) буйруқ билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий

самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Юқори технологияли ташхислаш ва оператив услубларни амалиётда қўллаш 2020-2021 йилларда 1 нафар беморга сарфланадиган харажатларни 3468695 сўмдан, 3021964 сўмга камайтириш, 1 нафар беморга сарфланадиган бюджет харажати 446731 сўмга камайтириш, 2020 йилда 84,84%, 2021 йилда эса 88,96% ни ташкил қилиб, яъни 2020 йилда харажатларни минималлаштириш 124114027 сўмни, 2021 йилда эса 192504514 сўмни ташкил қилиш имконини берган. **Хулоса:** 3D режимда эндометрий ҳажмини ўлчаш, энергетик PDI ва импульс тўлқинли PWD доплерда эндометрий васкуляризациясини баҳолаш, ҳомиладорликни кечишини башоратлашда эндометрий перфузион индекси тавсия этилган усуллар асосида юқори технологияли ташхислаш ва оператив услубларни амалиётда қўллаш 2020-2021 йилларда 1 нафар беморга сарфланадиган харажатларни 3468695 сўмдан, 3021964 сўмга камайтириш, 1 нафар беморга сарфланадиган бюджет харажати 446731 сўмга камайтириш, 2020 йилда 84,84%, 2021 йилда эса 88,96% ни ташкил қилиб, яъни 2020 йилда харажатларни минималлаштириш 124114027 сўмни, 2021 йилда эса 192504514 сўмни ташкил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиёт лар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эктопик ҳомиладорлик муаммосидаги замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида мавзуга тегишли хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг шарҳи келтирилган бўлиб, касалликнинг этиопатогенези, замонавий лаборатор ва инструментал текшириш услублари, юқори частотали трансвагинал эхографиядан фойдаланиш, шу жумладан ЭХнинг эходоплерографик маркерларининг имкониятлари, кўп ўлчовли сканерлаш

усуллари (2D/3D), қон зардобиди hCG (human chorionic gonadotropin) нинг β -суббирлигини миқдорий аниқлаш, клиник ташхисни энг қисқа вақт ичида аниқлаштиришга ёрдам бериши ифодаланган.


Диссертациянинг «**Репродуктив ёшдаги аёлларда эктопик ҳомиладорликнинг эходопплерографик ташхисотини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материал ва усуллари бағишланган Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЎИМ) Бухоро филиали негизиди 2017-2019 йилларда қабул қилинган 76 нафар аёлнинг касаллик тарихи, ретроспектив ўрганилган. Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонасининг шошилинич гинекология бўлимига ва Бухоро шаҳар касалхонасининг шошилинич тиббий ёрдам бўлимига 2020-2022 йиллар давомида ЭҲ гумон қилинган 50 нафар аёлларни проспектив тадқиқ қилинган. Назорат гуруҳига репродуктив ёшдаги 30 нафар соғлом аёллар киритилган.

Тадқиқот доираси клиник усуллари ўз ичига олган: анамнез, гине кологик текширув, умумий қон текшируви, сийдик; биокимёвий таҳлили; беморларнинг қон гуруҳи, коагулограммаси, функционал: трансабдоминал ва трансвагинал эхография, тос томирларининг доплерометрияси билан рангли доплер харитаси: бачадондаги мавжуд аркуат, радиал, спирал бачадон артериялари, шунингдек тухумдон артериялари текширилган, ҳомиладорлик тести, қондаги инсон хорионик гонадотропини (hCG) миқдорини аниқлаш каби тадқиқотлар ўказилган.

Эхографик тадқиқот усуллари. Кенг қамровли ултратовуш текшируви 2D ва 3D режимдаги эхографик, уч ўлчовли тасвирни олиш имкониятига эга рангли доплер CD (Color Doppler) ва пульс-тўлқинли доплер PWD (Pulsed Wave Doppler), энергетик доплер PDI (Power Doppler Imaging), компрессион эластография (real-time elastography - RTE) ултратовуш текширувлари кўп частотали трансабдоминал (3,5-5 МГц) ва трансвагинал (7,0-10 МГц) датчиклар билан жиҳозланган Резона7 Миндрей (Хитой) аппаратида ўтказилган. ЭҲ га шубҳа қилинган аёлларда трансвагинал эхографияни ўтказишда бачадон ҳолати (ўлчамлари, эндометрининг қалинлиги), бачадон найчалари (бутун найча бўйлаб озгина кенгайиш), тухумдонлар (ўлчамлари, эконегатив шаклланишлар мавжудлиги), vesico-uterin ва utero-rectal чуқурликлар кетма-кет баҳоланган.

Допплерографик ва доплерометрик тадқиқот усуллари. Барча кузатилганларда эхограммалар ва CD тасвир кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили ўтказилган. Таққослаш параметрлари бачадон ва тухумдонлар ҳажмининг маълумотлари, М-эхо қалинлиги, Дуглас бўшлиғида эркин суюқликнинг мавжудлиги ёки йўқлиги, бачадон ортикларининг ҳолати эди. Бачадон ва тухумдон артериялари ҳавзаси томирларининг қон оқими кўрсаткичлари баҳоланган. Бачадоннинг гемодинамикаси ва васкуляризацияси даражасини ўрганиш учун И. А. Озерская (2010) томонидан тавсия этилган усул бўйича АПИ артериал перфузия индексидан фойдаланилган. АПИ -1 см3 миометрида 1 сония давомида иккала бачадон артерияси орқали бачадонга кирадиган қон миқдорини ифодалайди. Бачадон артерияларининг ҳар бирида спектрал Допплерография ёрдамида қон оқимининг максимал, минимал ва

ўртача тезлиги ($V_{\max}$; $V_{\min}$; V_{mean}), пулсация индекси (PI) ва қаршилиқ индекси (RI) автоматик равишда олинган.



1-расм. Чап бачадон артериясида қон оқимини ўлчаш

Волюметрик қон оқимини (V_{vol}) ҳисоблаш учун томир майдони ва қон оқимининг ўртача тезлигининг кўпайтмаси бўлган формуладан фойдаланилди: $V_{\text{vol}} = A \times V_{\text{mean}}$, Бу ерда A - томирнинг кесма майдони, V_{mean} - қон оқимининг ўртача тезлиги. АПИ (%) = $(V_{\text{vol}} \text{ БА ўнг} + V_{\text{vol}} \text{ БА чап}) / V_{\text{uterus}} \cdot 100$, Бу ерда $V_{\text{vol}} \text{ БА ўнг}$ - ўнг бачадон артериясида волюметрик қон оқими (бир юрак циклига 1 cm^3); $V_{\text{vol}} \text{ БА чап}$ – чап бачадон артериясида волюметрик қон оқими (бир юрак циклига 1 cm^3). V_{uterus} – бачадон ҳажми (cm^3).

Ультратовушли эластография усули. Ультратовушли эластография - бу биологик тўқималарнинг эластик хусусиятларини аниқлайдиган, уларда сиқилиш ёки силжиш тўлқинларининг тезлигини аниқлаш натижасида уларнинг деформация даражасини аниқлашга асосланган усул. Эластографиянинг физик асоси юмшоқ тўқималарнинг эластик деформация пайтида чўзиш/сиқилишга қаршилиқ кўрсатиш хусусиятларини тавсифловчи эластик Юнга модулидир. Эластик Юнга модулини ҳисоблаш усулига қараб, эластография компрессион эластографияси ва силжиш тўлқинли эластографиясига бўлинади. Компрессион эластографияси (real-time elastography-RTE)–тенгламага асосланган тўқималарнинг эластик хусусиятларини сифатли баҳолаш усули $E = \sigma/\epsilon$, бу ерда ϵ –эластик Юнга модули, σ –компрессия қиймати, ϵ –тўқима устуннинг нисбий деформацияси (стрейн-кучланиш). Эластография ёрдамида турли хил бузилган ва прогрессив тубар ҳомиладорликнинг дифференциал ташхисотини амалга ошириш мумкин.

Эндометрий спирал артерияларининг перфузион индекси-ЭПИ(%)ни аниқлаш. Кичик муддатли ҳомиладорлик даврида ва ЭҲнинг тубал шаклида репродуктив ёшдаги беморларда эндометрийнинг гравидар гиперплазиясини аниқлашда ташхисотнинг сифатини яхшилаш мақсадида, замонавий ультратовуш техникасининг уч ўлчовли эхографияси қўлланилди, PDI (Power Doppler Imeging) - энергетик ва PWD-импульс-тўлқинли доплер ёрдамида эндометрий перфузиясининг сифатли ва миқдорий кўрсаткич ларининг фарқларини аниқладик.

Биз тос аъзоларининг анъанавий трансабдоминал ва трансвагинал ультра товуш текширувини ўтказдик, сўнгра бачадонни уч ўлчовли реконструкция қилдик.

Уч ўлчовли реконструкция ёрдамида ўрта тузилмаларни (эндометрийни) ўлчашда кетма-кет кесимлар ёрдамида контурларни аниқроқ олдик, бу эса шаклнинг мумкин бўлган бузилишини ҳисобга олади. Шунингдек, эндометрийнинг қон билан таъминланишини объектив баҳолаш учун ушбу ҳудуднинг перфузияси ўрганилди, яъни маълум ҳажмдаги томирларнинг фоизини тавсифловчи эндометрийнинг қон томир индекси (васкуляризация индекси) ҳисоблаб чиқилган.

Томирларнинг кичик диаметри туфайли радиал ва спирал артерияларда аниқ, акустик аралашувсиз қон оқимининг спектрини олиш жуда ҳам мураккаб жараёндир.

Шунинг учун биз миометрий ва эндометрийга хос бўлган паст тезликли оқимларни баҳолаш учун PDI - энергетик доплердан фойдаландик, чунки бу усул стандарт рангли харитага нисбатан паст қон оқими тезлигига эга томирлар васкуляризациясини яққол тасвирлайди. Энергетик доплерографиянинг диагностик аҳамияти органлар ва патологик ҳудудларнинг қон томирларини баҳолаш имкониятини беради. Бунинг учун CW, PW ва CD доплер текширувлари учун мослаштирилган созулмаларни қўлладик яъни, Pulse repetition frequency (PRF), velocity scale- (Пульснинг такрорланиш частотаси(PRF), тезлик шкаласини 1000 Гц га, филтр созулмасини 50-100 Гц га мослаштирдик.

Шу муносабат билан биз эндометрий перфузиясининг индексини ҳисоб-лаш мумкин бўлган формулани яратдик. Эндометрий гемодинамикасини ўрганиш учун биз эндометрийнинг перфузион индексидан фойдаландик (ЭПИ). Спектрал доплерография ёрдамида қон оқимининг максимал, минимал ва ўртача тезлигини (V_{max} ; V_{min} ; V_{mean}), пулсация индекси (PI) ва қаршилиқ индекси (RI) ни автоматик равишда ўлчадик.

Волюметрик қон оқимини (V_{vol}) ҳисоблаш учун томир майдони ва қон оқимининг ўртача тезлигининг кўпайтмасига тенг бўлган формуладан фойдаланилди: $V_{vol}CA=A \times V_{mean}$, бу ерда A - томирнинг кўндаланг кесими майдони, $V_{volmean}$ - қон оқимининг ўртача тезлиги. $V_{vol} CA$ - спирал артерия орқали келадиган волюметрик қон оқими (ҳар бир юрак цикли учун 1 см^3); бу кўрсаткич қурилма томонидан автоматик равишда ҳисобланади. V_{end} - эндометрий ҳажми (см^3). Юқоридаги маълумотларга асосланиб $\text{ЭПИ}(\%)= V_{vol} CA \times V_{end}$.

Диссертациянинг «**Касалликка сабаб бўлувчи хавфли омиллар, унинг клиник кечиши ва ультратовушли текширув хулосалари**» деб номланган учинчи бобида касаллик тарихини ўрганиш орқали ретроспектив (2017-2019 й) 76 нафар аёлларда таҳлил қилинган.

Эктопик ҳомиладорликка гумон қилинган 60 нафар аёлда проспектив равишда (2020-2022 йиллар) клиник, лаборатор ва комплексли эхография билан биргаликда қон зардобадаги hCG нинг β -суббирлигини микдорий аниқлаш услублари қўланилган.

Текширув давомида 10 нафар беморда кичик муддатли ҳомиладорлик аниқланган, улар текширилганларнинг назорат гуруҳига киритилган.

1-жадвал

Текширувдан ўтган беморларнинг ўртача ёши

тубар ҳомиладорлик жарроҳликгача (TD)	Тубар ҳомиладорликни ўтказган аёллар жарроҳликдан кейин (TP)	кичик муддатли ҳомиладорлик билан назорат гуруҳи (KM)	репродуктив ёшдаги аёллар (KR)
30,75±0,76*** (29,99-31,51)	31,08±0,93*** (30,15-32,01)	25,80±1,27 (24,53-27,07)	25,00±0,78 (24,22-25,780)

Изоҳ: кичик муддатли ҳомиладорлар гуруҳига нисбатан сезиларли фарқ ($p<0,05$);

*** - репродуктив ёшдаги аёллар гуруҳига нисбатан сезиларли фарқ ($P<0,05$).

Ушбу аёлларда репродуктив функцияни таҳлил қилиш натижасида бачадон ва унинг ортиқларининг яллиғланиш касалликлари 77 (61,2%), кесарча кесиш 13 (10,3%), аборт 20 (15,8%), фаллоп найчалардаги операциялар 3 (2,3%), эндокрин касалликлари 2 (1,5%)гача аниқланган.

Бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг учраш даражаси ва структураси ретроспектив ва проспектив баҳоланган.

2 жадвал

Бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг учраш даражаси ва структураси

БТХ нинг органлар ва бачадон найчаларига нисбатан жойлашуви			
Кўрсаткичлар	Ретроспектив, n=76	Проспектив, n=50	n=жами
Органларда жойлашувига қараб	76	50	126
Бачадон найида	73(96%)	49(98%)	122(98%)
Тухумдонларда	1(1,3%)	1	2(1,6%)
Абдоминал	-	-	
Интерстициал	1 (1,3%)	-	1(0,8%)
Рудиментар	1(1,3%)	-	1(0,8%)
Найчада жойлашувига кўра			
Истмик	13 (17,1%)	8(16%)	21(16,6%)
ампулляр	55 (72,3%)	39(78%)	94(74,6%)
фимбриал	5(6,5%)	2(2,5%)	7(5,5%)

Ўрта репродуктив ёшдаги (29,99-32,01 ёш) аёллар орасида ЭҲ билан касалланиш юқори бўлди.

Ретро ва проспектив таҳлилларга кўра, тубар ҳомиладорлик 122 (98%) ҳолатда аниқланди, кам учрайдиган шакли (тухумдон ҳомиладорлиги) 1,3% (1 ҳолатда), рудиментар шохда 0,8% (1 ҳолат) да учради.

Комплексли ТВ УТТ (трансвагинал ультратовуш текшируви) нинг амалда қўлланилиши ЭҲни эрта ташхислаш орқали ундан келиб чиқадиган асорат ларнинг камайишига ва лапароскопик операциялар нисбатини 28,8% дан 52% гача оширди, лапаротомик операциялар хажмини 72,2% дан 44% гача камайтирди.


Шундай қилиб, ЭҲни эрта муддатларда аниқлаш асоратлар (найчанинг ёрилиши, катта миқдорда қон йўқотиш) фоизини камайтириб, лапароскопик жараённинг истикболларини оширган.

Замонавий комплексли ТВ УТТ ни hCG миқдорини олдиндан аниқлаш салпингэктомия операцияларининг сонини 58 (76,5%) дан 21 (42%) гача камайтирди.

